

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ**  
**ҚАРОРИ**

**“ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ВИЛОЯТ, ТУМАН ВА ШАҲАР**  
**КЕНГАШЛАРИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ УЧАСТКА САЙЛОВ**  
**КОМИССИЯЛАРИ ИШИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА”ГИ**  
**ЙЎРИҚНОМАНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА**

“Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5, 9-моддалари ва “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 9-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

**Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:**

1. Сайловларни қонун талабларига тўла мос равишда ўтказиш, ягона ҳуқуқ амалиётини қўллаш ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов ўтказувчи сайлов комиссияларининг фаолиятини услубий жиҳатдан таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан ишлаб чиқилган “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов ўтказувчи участка сайлов комиссиялари ишини ташкил қилиш тўғрисида”ги йўриқнома иловага асосан тасдиқлансин.

2. “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов ўтказувчи участка сайлов комиссиялари ишини ташкил қилиш тўғрисида”ги йўриқнома халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов ўтказувчи участка сайлов комиссияларига фаолиятларида фойдаланишлари учун тавсия этилсин.

4. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида, шунингдек бошқа манбаларда эълон қилинсин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Котибияти раҳбари С. Курбонкулов зиммасига юклансин.

**Марказий сайлов комиссияси**  
**Раиси**

**М. Абдусаломов**

*Тошкент шаҳри,*  
*2017 йил 1 декабрь,*  
*№ 858.*

**ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ВИЛОЯТ, ТУМАН ВА ШАҲАР  
КЕНГАШЛАРИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ УЧАСТКА САЙЛОВ  
КОМИССИЯЛАРИ ИШИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА  
Й Ў Р И Қ Н О М А**

**I-боб. Умумий қоидалар**

Мазкур йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги, “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги, “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги, “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги қонунларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2017 йил 27 мартда 823-сон қарор билан тасдиқланган “Сайлов қонунчилиги ва ҳуқуқни қўллаш тажрибасини янада такомиллаштириш бўйича комплекс тадбирлар режаси”га мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш соҳасида ягона ҳуқуқ амалиётини қўллашни таъминлайди.

Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов ўтказувчи участка сайлов комиссиялари ишини ташкил қилишда ушбу йўриқномадан фойдаланилади.

**II-боб. Участка сайлов комиссиялари фаолиятини ташкил этиш**

Участка сайлов комиссияси аъзолигига номзодлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тавсиясига биноан халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашларининг мажлисларида муҳокама қилинади ва тегишли туман ва шаҳар сайлов комиссиясига тасдиқлаш учун тавсия этилади.

Участка сайлов комиссияси туман, шаҳар сайлов комиссияси томонидан сайловга камида қирқ кун қолганида беш — ўн тўққиз нафар аъзодан, шу жумладан раис, раис ўринбосари ва котибдан иборат таркибда тузилади. Агар комиссия етти нафаргача аъзодан иборат таркибда тузилса, раис ва котиб сайланади.

Участка сайлов комиссияси аъзоларининг сони зарур ҳолларда кўпайтирилиши ёки камайтирилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузуридаги участка сайлов комиссияси раиси вазифасини ваколатхоналарнинг раҳбарлари амалга оширади.

## 2.1. ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ВИЛОЯТ, ТУМАН ВА ШАҲАР КЕНГАШЛАРИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ УЧАСТКА САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ

### УЧАСТКА САЙЛОВ КОМИССИЯСИ:

1) Сайловчиларни сайловчилар рўйхати билан таништиради, рўйхатда йўл қўйилган хатолар ва ноаниқликлар тўғрисидаги аризаларни қабул қилади ва кўриб чиқади ҳамда рўйхатга тегишли ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги масалани ҳал этади	2) Муддатидан олдин овоз беришда сайлов куни ўз турар жойида бўлиш ва овоз беришда иштирок этиш имкониятига эга бўлмаган сайловчилардан сайлов варақаси солинган ёпиқ ҳолдаги конвертларни қабул қилиб олади	3) Аҳолини сайлов куни ва овоз бериш жойи тўғрисида хабардор этади	5) Сайлов куни сайлов участкасида овоз беришни ташкил этади
		4) Овоз бериш биноси ва сайлов қутилари ҳамда бошқа сайлов ашёлари тайёрлаб қўйилишини таъминлайди	6) Сайлов участкасида берилган овозларни ҳисоблаб чиқади
8) Участка сайлов комиссияси сайловга 40 кун қолганида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари вакиллари билан биргаликда сайловчилар тўғрисидаги маълумотларнинг тўғрилигини уйма-уй ( <i>ҳовлима-ҳовли</i> ) юриб текширишни ташкил этади ( <i>сайловчилар рўйхатини аниқлаштириш</i> ).			

Участка сайлов комиссияси ишининг ташкилий шакли унинг заруратга қараб ўтказиладиган мажлиси ҳисобланади.

Участка сайлов комиссияси ўз фаолиятини очиқ ва ошқора амалга оширади. Комиссия мажлисларида юқори турувчи комиссия аъзолари, рўйхатга олинган номзодлар, номзодларнинг ишончли вакиллари, сиёсий партиялар ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари, аккредитациядан ўтган маҳаллий ва хорижий кузатувчилар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишга ҳақли.

Мажлисларга ҳокимлар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, суд ва прокуратура идоралари ходимлари, жамоат бирлашмалари вакиллари ва бошқалар таклиф этилиши мумкин.

Мажлис комиссия аъзолари таркибининг камида учдан икки қисми ҳозир бўлганида ваколатли ҳисобланади.

Комиссия мажлиси раиснинг ташаббусига кўра ёки комиссия аъзолари умумий таркибининг камида учдан бир қисми талабига биноан қақририлиши мумкин.

Комиссиянинг барча қарорлари комиссия аъзолари умумий сонининг оддий кўпчилиги томонидан очиқ овоз бериш йўли билан қабул қилинади.

Овозлар тенг бўлган ҳолларда раиснинг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

Мажлисида кун тартиби, унда иштирок этаётган комиссия аъзоларининг исми, фамилияси, отасининг исми, кўрилган ҳар бир масала бўйича овоз бериш натижалари, қабул қилинган қарор акс этган баённома юритилади.

Баённомага мажлисида қабул қилинган қарор, хулосалар ва бошқа норматив ҳужжатлар, шунингдек комиссия аъзоларининг у ёки бу масала юзасидан алоҳида фикрлари илова қилинади.

Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек ҳар бир сайлов участкасида сайлов куни овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатлигига номзодлар кўрсатган сиёсий партиялардан ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан биттадан кузатувчи, матбуот, телевидение ва радио вакиллари, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан кузатувчилар қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар.

Уларнинг ваколатлари тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган бўлиши керак.

Участка сайлов комиссияси қуйидаги тадбирларни режалаштириши зарур:

– аҳолини комиссиянинг жойлашган манзили, телефон рақами, иш вақти, шунингдек овоз бериш куни, вақти ва жойи ҳақида хабардор қилиш;

– сайловчиларни қабул қилишни ташкил этиш;

– комиссия аъзолари ўртасида вазифаларни тақсимлаш;

– участка сайлов комиссияси биноси ҳамда овоз бериш хонасини жиҳозлаш;

– участка сайлов комиссияси сайловга 40 кун қолганида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари вакиллари билан биргаликда сайловчилар тўғрисидаги маълумотларнинг тўғрилигини уйма-уй (*ҳовлима-ҳовли*) юриб текширишни ташкил этади (*сайловчилар рўйхатини аниқлаштириш*);

– округ сайлов комиссияларидан далолатномалар бўйича сайлов варақалари ва сайлов бюллетенларини олиш;

– сайлов варақалари ва бюллетенларини икки нафар комиссия аъзоси имзоси ва комиссиянинг муҳри билан тасдиқлаш ҳамда уларнинг сақланишини таъминлаш.

## **2.2. САЙЛОВ КУНИ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ВИЛОЯТ, ТУМАН ВА ШАҲАР КЕНГАШЛАРИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ УЧАСТКА**

**САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИ ТОМОНИДАН АМАЛГА  
ОШИРИЛАДИГАН ВАЗИФАЛАР**

<b>Вақти</b>	<b>Тадбирлар</b>	<b>Ижрочи</b>
05.30	Овоз бериш хонаси шай ҳолатга келтирилади	Барча аъзолар
05.45	Участка сайлов комиссияси аъзоларининг овоз бериш кундаги вазифалари тақсимоти ўқиб эшиттирилади	Раис
05.50 – 06.00	Участка сайлов комиссияси аъзоларига сайлов бюллетенлари далолатнома асосида тақсимлаб берилади	Раис
05.50 – 06.00	Кузатувчилар, ОАВ вакиллари иштирокида сайлов қутиларининг бўшлиғи текширилади ва улар бир маротаба ишлатиладиган пластмасса пломбалар билан пломбаланиб, пломбалар рақами кўрсатилган ҳолда баённома тузилади	Раис Котиб Аъзолар
06.00 – 20.00	Овоз бериш ташкил қилинади	Барча аъзолар
06.00	Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси ижро этилади. Овоз бериш бошланганлиги эълон қилинади. Сайлов участкасидаги сайловчилар сони, округ сайлов комиссиясидан олинган сайлов бюллетенлари, сайлов варақалари сони ва муддатидан олдин овоз берганлар сони эълон қилинади	Раис
06.15	Овоз бериш бошланганлиги ҳақида округ сайлов комиссиясига хабар берилади	Раис ёки котиб
Кун бўйи	Сайловчига сайлов бюллетени берилишидан олдин сайловчи сайловчилар рўйхатидан текширилиб, унга муддатидан олдин овоз бериш имконияти тақдим этилмаганлик ёки сайловчилар турар жойида овоз бериш учун мурожаат қилмаганлик ҳолатлари ўрганилиб, сайловчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатига мувофиқ сайлов бюллетени тақдим этилади. Сайловчига тақдим этилган сайлов бюллетенлари сонининг ҳисоби юритиб борилади.	Барча аъзолар
Кун	Кўчма сайлов қутиси ёрдамида сайловчи турган	Камида

бўйи	жойда овоз бериш ташкил қилинади	2 нафар аъзо, сиёсий партия кузатувчилари
Ҳар соат	Округ сайлов комиссиясига соат 08:00 дан бошлаб ҳар соатда сайловчиларнинг иштироки юзасидан ахборот бериб турилади	Раис ёки комиссия аъзоларидан бири
Кун бўйи	Фуқароларнинг мурожаатлари кўриб чиқилади (баённомада акс эттирилади)	Раис
Кун бўйи	Кузатувчи ва ОАВ вакилларига сайлов жараёнини кузатиш учун шароит яратиб берилади	Раис
20.00	Овоз бериш якунланганлиги эълон қилинади	Раис

**Овозларни санаб чиқиш бўйича вазифалар**

20.05	Бинодаги мавжуд сайловчиларнинг овоз бериб бўлишлари кутиб турилади (агар сайловчилар бор бўлса)	Раис
20.05	Кузатувчилар ва ОАВ вакилларига овозларни санаб чиқиш жараёнини кузатишлари учун зарур шароит яратилади	Раис
20.10	Овоз бериш якунлангандан сўнг, ҳозир бўлганларга комиссия аъзоларининг сайловчилар овозларини санаб чиқишдаги ҳаракатлари кетма-кетлиги эълон қилинади	Раис
20.10	Овозларни санаб чиқишни бошлашдан олдин иштирокчиларга овозларни санаб чиқишга оид қонун ҳужжатлари талаблари тушунтирилади	Раис
20.10	Сайлов қутиларини очишдан олдин участка сайлов комиссиясининг барча аъзолари ҳозирлигида сайлов варақалари солинган ёпиқ конвертлар қутиларга ташланади	Раис

**Мазкур ҳаракатлар якунлангандан сўнг**

1.	Фойдаланилмаган сайлов бюллетенлари сайлов қутиларини очишдан олдин санаб чиқилади ва бекор қилинади	Раис Аъзолар
2.	Бекор қилинган, фойдаланилмаган ва бузилган сайлов бюллетенларининг умумий сони овоз бериш натижалари тўғ-рисидаги баённомада кўрсатилади	Раис

3.	Овозларни санаб чиқишдан олдин комиссия аъзолари томонидан сайловчилар рўйхатининг ҳар бир варағига шу варақ бўйича умумий маълумотлар киритилади	Котиб
4.	Маълумотлар киритилганидан кейин сайловчилар рўйхатининг ҳар бир варағи ушбу маълумотларни киритган комиссия аъзоси томонидан имзоланади ва умумлаштирилади. Комиссия раиси ва овозларни санаб чиқишда иштирок этаётган аъзоларга маълум қилинади	Раис Аъзолар
5.	Яқуний умумий маълумотлар сайловчилар рўйхатининг барча варақлари бўйича эълон қилинади	Раис
6.	Мазкур маълумотлар сайловчилар рўйхатининг охиригга варағига киритилади, имзоланади ва сайлов участкасининг муҳри билан тасдиқланади	Раис
7.	Сайловчилар рўйхати ва мазкур рўйхат иловаси бўйича участкадаги сайловчиларнинг умумий сони аниқланади	Раис
8.	Округ сайлов комиссиясидан олинган сайлов варақлари ва сайлов бюллетенларининг сони аниқланади	Раис
9.	Сайлов варақлари ва сайлов бюллетенларини олган сайловчилар сони аниқланади	Раис
10.	Сайлов қутиларини бир марталик пломба билан пломбалаш баённомасидаги рақамлар сайлов қутиларидаги мавжуд пломбалар рақамлари билан таққосланади	Раис
11.	Овозларни санашни бошлашдан олдин участка сайлов комиссияси раиси ва котибидан ташқари, участка сайлов комиссияси аъзолари барча ёзув ашёлари (ручка, қалам ва бошқа воситалар) ҳамманинг эътиборига ҳавола қилинган ҳолда четга олиб қўйилади	Раис
12.	Сайлов қутиси ва кўчма сайлов қутиси очилади ҳамда ҳар бир номзод бўйича берилган овозлар алоҳида-алоҳида санаб чиқилади ва ҳар бир номзодни ёқлаб берилган овозлар сони аниқланади	Аъзолар

13.	Санаб чиқиш туганидан сўнг, сайлов бюллетенлари овоз берилган номзодлар бўйича алоҳида-алоҳида боғлам қилиб ўралади ва тегишли тартибда расмийлаштирилиб, қопларга солиниб, муҳрлаб қўйилади	Аъзолар
14.	Овозларни санаш жараёнида сайлов варақалари ва бюллетенларига номзоднинг фамилияси рўпарасида, ўнг томонда жойлашган бўш квадратга белги-крестик (+) қўйилганлик ҳолатига алоҳида эътибор қаратилган ҳолда биттадан ортиқ квадратга белги-крестик (+) қўйилган ёки битта ҳам квадратга бундай белги қўйилмаган сайлов варақалари ва бюллетенлари ҳақиқий эмас деб топилади ва сони аниқланади	Аъзолар
15	<p>Сайлов қутиларидаги сайлов варақалари ва бюллетенлар асосида комиссия томонидан:</p> <ol style="list-style-type: none"> <li>1) участка бўйича сайловчиларнинг умумий сони;</li> <li>2) сайловчилар рўйхати киритилган сайловчилар сони;</li> <li>3) олинган сайлов варақалари сони;</li> <li>4) олинган сайлов бюллетенлари сони;</li> <li>5) сайлов варақаларини олган сайловчиларнинг умумий сони;</li> <li>6) сайлов бюллетенларини олган сайловчиларнинг умумий сони;</li> <li>7) овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг умумий сони, шундан: <ul style="list-style-type: none"> <li>муддатидан олдин овоз берган сайловчилар сони;</li> <li>кўчма қути орқали овоз берган сайловчилар сони аниқланади;</li> </ul> </li> <li>8) фойдаланилмаган ва бузилган сайлов варақалари ҳамда бюллетенлари умумий сони, шундан: <ul style="list-style-type: none"> <li>сайлов бюллетенлари сони;</li> <li>сайлов варақалари сони;</li> </ul> </li> <li>9) ҳар бир номзодни ёқлаб берилган овозлар сони, шундан алоҳида-алоҳида ҳар бир номзодга берилган овозлар сони;</li> <li>10) ҳақиқий эмас деб топилган сайлов бюллетенлари ва сайлов варақалари умумий сони аниқланади, шундан:</li> </ol>	Аъзолар



	сайлов бюллетенлари сони; сайлов варақалари сони аниқланади	
16.	Сайлов бюллетени ёки варақасининг ҳақиқийлигига шубҳа туғилган тақдирда, масала участка сайлов комиссияси томонидан овозга қўйиш орқали ҳал этилади	
17.	Белгиланмаган шаклдаги (ҳажми, ранги, қоғоз сифати, типография шрифти ва бошқалар бўйича фарқланувчи) ва участка сайлов комиссияси томонидан тасдиқланмаган сайлов бюллетенлари овозларни санаб чиқиш пайтида ҳисобга олинмайди, алоҳида ўралади (упаковка) ва муҳрланиб, бу ҳақда далолатнома тузилади	Раис Аъзолар
18.	Далолатнома овозларни санаб чиқиш натижалари тўғрисидаги баённома билан бирга, округ сайлов комиссиясига юборилади.	Аъзолар
19.	Зарур ҳаракатлар амалга оширилганидан кейин, комиссия томонидан якуний мажлис ўтказилади, унда овоз бериш ва сайловчилар овозларини санаб чиқиш вақтида йўл қўйилган қонунбузилишлар ҳақидаги шикоят ҳамда аризалар кўриб чиқилади	Раис Аъзолар
20.	Овозларни санаб чиқиш натижалари тўғрисидаги баённомани тузишдан олдин комиссия раиси томонидан ҳозир бўлганлар эътиборига овоз бериш кунда ва сайловчилар овозларини санаб чиқиш тугагунича келиб тушган шикоятлар (аризалар) ва улар бўйича қабул қилинган қарорлар ҳақидаги ахборот етказилади, тегишли баённомага илова қилинадиган далолатномалар ва бошқа ҳужжатлар кўрсатиб ўтилади, комиссия фаолияти бўйича эътирозлар, шикоятлар бор-йўқлиги аниқланади (зарур ҳолларда, комиссия томонидан эътироз, шикоятлар кўриб чиқилади ва қарор қабул қилинади)	Раис

21.	Овоз бериш кунда ва сайловчилар овозларини санаб чиқиш тугагунига қадар келиб тушган барча шикоятлар (аризалар) овозларни санаб чиқиш натижалари тўғрисидаги баённомага илова қилиб қўйилади	Раис Аъзолар
22.	Овозларни санаб чиқиш натижалари тўғрисидаги баённомага ўзгартиришлар киритишга йўл қўйилмайди	
23.	Агар овозларни санаб чиқиш натижалари тўғрисидаги баённомани тўлдириш вақтида комиссиянинг айрим аъзолари ҳозир бўлмасалар, бу ҳақда баённомада уларнинг ҳозир бўлмаганликлари сабаблари кўрсатиб ўтилади	Раис
24.	Овозларни санаб чиқиш натижалари тўғрисидаги баённомани имзолаш вақтида баённома мазмуни юзасидан норози бўлган комиссия аъзоси ўзининг алоҳида фикрини баённомага илова қилишга ҳақли, бу ҳақда баённомада қайд этилади	Раис
25.	Участка сайлов комиссияси томонидан сайлов участкасида овозларни санаб чиқиш натижалари ҳақидаги баённомани тасдиқлаш тўғрисида қарор қабул қилинади	Аъзолар
26.	Овозларни санаб чиқиш натижалари ҳақидаги баённома комиссия аъзолари томонидан имзоланади ва комиссия муҳри билан тасдиқланади	Раис Аъзолар
27.	Овоз бериш натижаларини муҳокама қилиш вақтида ҳозир бўлган шахсларга уларнинг илтимосига кўра баённома нусхалари берилади ва нусхани олган шахс томонидан реестрга имзо қўйилади	Раис Аъзолар
28.	Баённома участка сайлов комиссиясининг раиси ёки раис ўринбосари томонидан ўқиб эшиттирилади ҳамда мазкур баённоманинг нусхаси участка сайлов комиссияси биносида ҳамма танишиб чиқиши учун осиб қўйилади	Раис Аъзолар

29.	Баённома тузилиши билан унинг биринчи нусхаси ва унга илова қилинган хужжатлар ички ишлар органлари ходимлари кузатувида округ сайлов комиссиясига олиб бориб топширилади	Раис
30.	Баённоманинг иккинчи нусхаси барча хужжатлар билан бирга сақланади	Котиб

### **III-боб. Участка сайлов комиссияси жойлашган бино ва овоз бериш хоналарини жиҳозлаш**

Участка сайлов комиссияси жойлашган бино ва овоз бериш хоналарини жиҳозлашда қуйидаги тартибни амалга ошириш тавсия этилади:

овоз бериш хоналарига олиб борувчи кўрсаткичлар кўринарли жойга жойлаштирилади;

бинога кириш жойида ногиронлар арачасига мослаштирилган пандуслар бўлишига (ғилдиракли арачалар чиқишига мўлжалланган махсус йўлак) ва уларнинг белгиланган талабларга (эни камида 90 сантиметр, чиқиш бурчаги 30<sup>0</sup> дан кўп бўлмаган) мос келишига эътибор қаратилади;

сайлов қутилари, кўчма сайлов қутилари ва яширин овоз бериш кабиналари овоз бериш учун шай ҳолатга келтириб қўйилади;

сайлов қутиларини пломбалашда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан юборилган пластмассали бир маротаба ишлатишга мўлжалланган рақамланган пломбалардан фойдаланилади.

#### ***Участка сайлов комиссияси жойлашган бино:***

- Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи;
- сайлов участкасининг тартиб рақами кўрсатилган пешлавҳа;
- кузатувчилар учун алоҳида жойлар;
- сайлов санасига бағишланган плакатлар (**Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига \_\_\_ кун қолди**);
- сайлов участкасининг харитаси;
- участка сайлов комиссиясининг таркиби, иш режаси, навбатчилик жадвали;
- участка сайлов комиссияси жойлашган хона пештоқига ўрнатиладиган кўрсаткич;
- овоз бериш хонасига олиб борувчи кўрсаткичлар;
- зарур мебеллар, оргтехника воситалари (телефон, факс, телевизор 2 тадан кам бўлмаган СЯЭР электрон дастури талабларига жавоб берувчи

компьютер ва уларга керакли бўлган мосламалар (*UPS, принтер, сканер ва бошқалар. Улар комиссия фаолиятида ва Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхат дастуридан фойдаланиш учун мосланган бўлишлиги*) ҳамда узлуксиз интернет алоқаси ва ҳ.к.);

- участка сайлов комиссияси жойлашган бино ва унга олиб борувчи йўлақлар озода ва таъмирланган, ёритиш мосламалари ўрнатилган бўлишлиги;

- участка сайлов комиссияси тегишли участка сайлов комиссияси жойлашган бинодаги ташкилот раҳбари кўмагида зарур буюмлар ва хоналар билан таъминланиши тавсия этилади;

- участка сайлов комиссияси компьютерини Интернет тармоғига улаш Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг ҳудудий бошқармалари кўмагида амалга оширилади.

***Сайлов участкасида бўлиши тавсия этиладиган сайловга бағишланган ахборот стендлари:***

- участка сайлов комиссияси иш фаолияти тўғрисидаги ахборотлар жойлаштириладиган стенд;

- сайлов участкаси харитасини жойлаштириш учун стенд;

- халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатлигига номзодларнинг плакатлари учун стенд;

- сайловга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан кўчирмалар (*ушбу стендларга Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (XXIII боб 117-модда), “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги, “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашига сайлов тўғрисида”ги, “Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги ва “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги қонунлардан, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси (146 ва 147-моддалар), Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси (VI боб 51<sup>2</sup>–51<sup>9</sup>-моддалар), Фуқаролик процессуал кодексидан (272-модда) кўчирмалар*) учун стендлар;

- сайловчилар рўйхатини жойлаштириш учун стендлар;

- овоз бериш тартиби тўғрисида маълумотнома;

- сайловга бағишланган ахборот стендлари тегишли участка сайлов комиссияси жойлашган ташкилот раҳбари ва хокимият кўмагида жиҳозланиши тавсия этилади.

***Сайлов участкасида бўлиши тавсия этиладиган сайлов жиҳозлари:***

- стационар катта сайлов қутиси (1 дона), ёки стационар кичкина сайлов қутиси (1 дона), кўчма сайлов қутиси (1 дона), яширин овоз бериш кабиналари (ногиронлар учун мўлжалланган кабиналарни ҳисобга олган ҳолда, 20 дан 1000 нафар сайловчи учун -3 та, 1000 дан 3000 нафар сайловчи учун 4 та), пластмассали пломбалар (умумий 7 дона, шундан 2 таси захира учун), участка сайлов комиссиясининг муҳри (1 дона);

- тегишли туман ва шаҳар ҳокимликлари участка сайлов комиссияларини илгариги сайловларда фойдаланилган ва уларда сақланаётган сайлов жиҳозлари билан таъминлайдилар;

- Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, Тошкент шаҳри ва тегишли шаҳар, туман ҳокимликлари участка сайлов комиссияларини янги сайлов жиҳозлари билан туман ва шаҳар сайлов комиссиялари орқали таъминлайдилар.

***Участка сайлов комиссиясида бўлиши тавсия этиладиган иш юритиш жилдлари:***

- участка сайлов комиссиясининг қарорлари, баённомалари ва далолатномалари папкаси;

- Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов ўтказувчи вилоят, туман ва шаҳар сайлов комиссиялари ҳамда округ сайлов комиссиясидан келган ҳужжатлар ва ёзишмалар папкаси;

- сайловчиларнинг мурожаатларини қайд қилиш журнали;

- корхоналар, муассасалар ва ташкилотлардан келиб тушган ҳужжатларни рўйхатга олиш журнали;

- чиқиш ҳужжатларини рўйхатга олиш журнали;

- навбатчилик журнали;

- участка сайлов комиссияси иш юритиш жилдлари билан тегишли туман ва шаҳар сайлов комиссиялари кўмагида таъминланади.

***Участка сайлов комиссиясида бўлиши тавсия этиладиган канцелярия анжомлари:***

- конвертлар (5 дона), иш юритиш журналлари (6 дона), папкалар (4 дона), ёзув ручкаси (шарикли, кўк ранг – 8 донадан), қоғоз (1 пачка),

степлер (1 дона), скоба (2 кути), штрих (1 дона), қоғоз-тешгич (1 дона), чизгич (1 дона), скрепка (1 кути);

- участка сайлов комиссияси канцелярия анжомлари билан тегишли туман ва шаҳар сайлов комиссиялари кўмагида таъминланади.

***“Она ва бола” хонасида бўлиши тавсия этиладиган жиҳозлар:***

- участка сайлов комиссияси жойлашган бинода “Она ва бола” хонаси ташкил этилади ва қуйидагилар билан жиҳозланади:

- хона полини қоплаш учун гилам ёки полос (*хонанинг катта ёки кичиклигига қараб* – 1 та), ўйинчоқлар учун шкаф (1 та), болалар кровати (1 та), болалар столи (1 та), болалар стули (4 та), болалар учун эртак китоблари (6 та), турли юмшоқ ўйинчоқлар (2 та), турли катталиқдаги пластмасса ўйинчоқлар (2 та), ривожлантирувчи ўйинчоқлар (2 та), расм дафтар (2 та), рангли қалам (6 талик тўплам – 1 пачка), қоғозли салфетка (2 та тўплам – 1 пачка);

- “Она ва бола” хонаси мазкур жиҳозлар билан участка сайлов комиссияси жойлашган ҳудуддаги туман ва шаҳар ҳокимликлари ҳамда мактабгача таълим муассасаси кўмагида таъминланади;

- “Она ва бола” хонаси камида 15 м<sup>2</sup> майдонга эга бўлиши, сайлов куни тегишли туман ва шаҳар сайлов комиссиялари кўмагида ушбу хонада сайлов участкасига яқин жойда жойлашган мактабгача таълим муассасасидан 2 нафар тарбиячи жалб қилиниши, уларнинг 1 нафари эрталаб соат 06:00 дан 13:00 гача, 1 нафари соат 13:00 дан 20:00 гача ушбу хонада навбатчиликни амалга оширишлар тавсия этилади.

***Сайлов участкасида тиббий ёрдам кўрсатишни ташкиллаштириш бўйича тавсиялар:***

- ҳар бир сайлов участкасида сайлов куни мурожаат қилган шахсга тиббий ёрдам кўрсатиш учун тиббиёт хонаси ташкил қилинади. Участка сайлов комиссиясига тиббий ёрдам кўрсатишни ташкиллаштиришда, участка сайлов комиссияси жойлашган ташкилот раҳбари кўмагида тиббиёт хонаси учун табиий ёруғлик тушадиган, таъмирланган, тоза ичимлик суви мавжуд, майдони камида 16 м<sup>2</sup> дан кам бўлмаган тиббий ёрдам кўрсатиш учун мослаштирилган алоҳида хона ажратилади;

- тиббиёт хонасидаги жиҳозларнинг ишчи ҳолатда бўлишига, дори воситалари ва тиббий буюмларнинг яроқлилик муддатига, уларни сақлаш шароитларига эътибор қаратиш зарур. Тиббий ёрдам кўрсатиш учун сайлов участкаси ҳудудидаги даволаш-профилактика муассасалари (кўптармоқли

ёки оилавий поликлиника, қишлоқ врачлик пункти)нинг етарли билим ва кўникмаларга эга бўлган шифокор ва ҳамшираларидан иборат таркибда навбатчилик ташкил қилинади;

навбатчилик сайлов куни соат 06:00 дан 22:00 гача амалга оширилади;

тиббий ёрдам кўрсатилганлар ҳақида тегишли туман ва шаҳар тиббиёт бирлашмаси раҳбарияти ҳамда участка сайлов комиссияси раисига маълумот берилади. Тиббий ёрдам кўрсатилгандан кейин беморнинг ҳолати яхшиланмаса ва даволашни назоратда давом эттириш лозим бўлган ҳолларда ёки шунга ўхшаш бошқа ҳолатлар юзага келганда, бемор (беморлар) тез тиббий ёрдам хизмати орқали тегишли даволаш-профилактика муассасасига етказилиши тавсия этилади.

- Тиббиёт хонаси тегишли участка сайлов комиссияси жойлашган бинодаги ташкилот раҳбари ҳамда туман ва шаҳар тиббиёт бирлашмаси кўмагида дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техникалар билан таъминланади.

#### **IV-боб. Муддатидан олдин овоз бериш**

Сайлов куни ўз яшаш жойида бўлиш имкониятига эга бўлмаган сайловчи муддатидан олдин овоз бериш ҳуқуқига эга.

Муддатидан олдин овоз бериш сайловга ўн кун қолганида бошланади ва сайловга бир кун қолганида тугалланади. Муддатидан олдин овоз бериш сайлов варақалари орқали амалга оширилади.



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ

### МУДДАТИДАН ОЛДИН ОВОЗ БЕРИШ ТАРТИБИ



**Муддатидан олдин овоз бериш**



**Сайлов кунлари**



**Сайлов варақалари**

Участка сайлов комиссиялари сайлов варақаларини оқруғ сайлов комиссияларидан муддатидан олдин овоз беришга ҳамда уч кун қолганида оладилар



**Номзодлар**

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар сайлов варақасига фамилияси, исми, отасининг исми, тутилган йили, эгаллаб турган лавозими (мушукотининг тури) ва иш жойи кўрсатилган ҳолда алифбо тартибда кўрсатилади



**Муддатидан олдин овоз бериш вақти**

Муддатидан олдин овоз беришнинг утказиш вақти оқруғ сайлов комиссияси томонидан белгиланади ва сайловчиларнинг музатувиликларини, оммавий ахборот воситалари вакилларининг эълонига етказилади



**Сайлов варақасининг шакли**

Сайлов варақасининг шакли ва уни тайёрлаш тартиби Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланади



**Сайлов варақасини тўлдириш тартиби**

Сайлов варақасида уни тўлдириш тартиби тўғрисидаги тўшунтириш бўлиши керак. Сайлов варақалари давлат тилида, оқруғ сайлов комиссиясининг қарорига асосан сайлов нуқсонининг кўпчилиги ҳудудси тўшунтириш тилларида ҳам сайловга ҳамда илтирозни уни қолганида нашр этилади

### МУДДАТИДАН ОЛДИН ОВОЗ БЕРИШ ЖАРАЁНИ

1



**Ариза**

Муддатидан олдин овоз беришга амалга ошириш учун сайловчи сайлов кунда бўла олмагани сабаблари (таътил, ахтмат сафари, чет элга чиқиш ва ҳаказо) кўрсатилган ариза\* асосида ўз ишга жойидиги участка сайлов комиссиясидан сайлов варақасини олади

2



**Шахсни тасдиқловчи ҳужжат**

Сайлов варақалари тегини сайлов комиссияси участкасидаги сайловчиларининг рўйхати асосида паспорт ёки бошқа тўшунтириш кўрсатилган берилади

3



**Сайлов варақасини олиш**

Сайловчи сайлов варақасини олмагани ҳудудси участка сайлов комиссиясининг ҳамда ички жафар аълоси қарорига сайловчилар рўйхатига имзо қида

4



**Овоз бериш кабинаси**

Сайлов варақаси махсус жинҳалланган яширин овоз бериш кабинасида ёки хонасида сайловчи томонидан тўлдирилади

5



**Сайлов варақасини қолдириш**

Сайловчи қарор қабул қидади ва тўлдирилган сайлов варақасини ёпиқ конвертда участка сайлов комиссиясида қолдиради. Конвертнинг ёлланган жойига участка сайлов комиссияси ички жафар аълосининг имзолари қирилиб, участка комиссиясининг муҳри ва сайловчиларнинг имзаси билан тасдиқланади



\* Муддатидан олдин овоз беришга амалга ошириш учун сайловчининг берган аризаси тўғрисида ҳудудси участка сайлов комиссиясининг қарорига асосан қида.



Участка сайлов комиссиялари сайлов варақаларини округ сайлов комиссияларидан муддатидан олдин овоз беришга камида уч кун қолганида оладилар.

Муддатидан олдин овоз беришни ўтказиш вақти округ сайлов комиссияси томонидан белгиланади ва сайловчиларнинг, кузатувчиларнинг, оммавий ахборот воситалари вакилларининг эътиборига етказилади.

Муддатидан олдин овоз беришни амалга ошириш учун сайловчи сайлов кунида бўла олмаслиги сабаблари (таътил, хизмат сафари, чет элга чиқиш ва ҳоказо) кўрсатилган ариза асосида ўз яшаш жойидаги участка сайлов комиссиясидан сайлов варақасини олади.

Сайловчи сайлов варақасини олганлиги ҳақида участка сайлов комиссиясининг камида икки нафар аъзоси ҳозирлигида сайловчилар рўйхатига имзо қўяди.

Сайлов варақаси махсус жиҳозланган яширин овоз бериш кабинасида ёки хонасида сайловчи томонидан тўлдирилади.

Сайловчи қарор қабул қилади ва тўлдирилган сайлов варақасини ёпиқ конвертда участка сайлов комиссиясида қолдиради. Конвертнинг елимланган жойига участка сайлов комиссияси икки нафар аъзосининг имзолари қўйилиб, улар комиссиянинг муҳри ва сайловчининг имзоси билан тасдиқланади.

Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатлигига номзодлар сайлов варақасига фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили, эгаллаб турган лавозими (машғулотининг тури) ва иш жойи кўрсатилган ҳолда алифбо тартибда киритилади.

Сайлов варақасида уни тўлдириш тартиби тўғрисидаги тушунтириш бўлиши керак. Сайлов варақалари давлат тилида, округ сайлов комиссиясининг қарорига асосан сайлов округининг кўпчилик аҳолиси сўзлашадиган тилларда ҳам сайловга камида йигирма кун қолганида нашр этилади.

#### **V-боб. Қамоқда сақлаш жойларида сайловни ташкил этиш ва ўтказиш**

Қамоқда сақлаш жойларида тузилган сайлов участкалари ўзлари жойлашган жойдаги сайлов округларига бириктирилади.

Сайлов участкаларининг жойлашуви қамоқда сақлаш жойининг маъмурияти томонидан белгиланади.

Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатлигига номзодлар, уларнинг ишончли вакилларига қамоқда сақлаш жойининг маъмурияти томонидан ушлаб турилган ва қамоққа олинганлар - сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш орқали сайловолди ташвиқоти учун тенг шароитлар яратиб берилади.

Ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганлар қамоқда сақлаш жойининг маъмурияти томонидан сайлов комиссияларининг ахборот плакатлари ва сайлов кампаниясига доир бошқа ахборотлар билан мазкур ахборотларни сайловни ўтказиш учун ажратилган жойлардаги ахборот стендларига жойлаштириш орқали таништирилади, сайловолди тадбирлари ҳамда овоз бериш куни ва жойи ҳақида хабардор қилинади.

Қамоқда сақлаш жойларининг ички тартиб-қоидалари ва режимдан келиб чиқиб, ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганлар овоз бериш биносига камралар бўйича келтирилади.

## **VI-боб. Овоз бериш тартиби**

Овоз бериш сайлов куни соат 6:00 дан соат 20:00 гача ўтказилади.

Овоз бериш вақти ва жойи тўғрисида участка сайлов комиссияси сайловчиларни сайловдан камида ўн кун олдин хабардор қилади.

Сайлов бюллетени СЯЭРга киритилган сайловчига Ўзбекистон Республикаси фуқаролик паспорти кўрсатилгач берилади.

Сайловчи участка сайлов комиссияси аъзосига Ўзбекистон Республикаси фуқаро паспортини кўрсатгач, комиссия аъзоси томонидан СЯЭР электрон дастуридан фойдаланган ҳолда, сайловчи у ёки бу сайлов участкасига тегишлилигини ҳамда ушбу сайлов участкасида рўйхатда бор ёки йўқлигини аниқлайди. *(Ушбу вазифани амалга ошириш учун участка сайлов комиссиясида СЯЭР электрон дастури талабларига жавоб берувчи камида иккита компьютер бўлиши керак).*

Аниқлик киритилгач, агар сайловчи ушбу сайлов участкасига тегишли бўлса, уни дастурда белгилаб, сайлов бюллетенини олиб, овоз бериш мумкинлигини тушунтиради.

Овоз берувчилар сайлов бюллетенларини яширин овоз бериш учун ажратилган кабина ёки хонада тўлдиради.

Бюллетенларни тўлдириш вақтида овоз берувчидан бошқа бирон-бир кишининг ҳозир бўлиши тақиқланади.

Бюллетенни мустақил равишда тўлдириш имконига эга бўлмаган сайловчи ўз хоҳишига кўра сайлов комиссиясининг аъзоларидан,

кузатувчилардан ва номзодларнинг ишончли вакилларидан бошқа бирон кишини кабина ёки хонага таклиф қилишга ҳақли.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида истиқомат қилувчи кўзи ожиз фуқаролар – сайловчиларнинг овоз бериш бўйича конституциявий ҳуқуқини амалга оширишлари учун халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши сайловига доир сайлов бюллетенлари “Брайль” алифбоси асосида зарур миқдорда ўзбек ва рус тилларида чоп этилади.

Сайловчи сайлов бюллетенига, ўзи ёқлаб овоз бераётган номзоднинг фамилияси рўпарасига, ўнг томонда жойлашган бўш квадратга белги-крестик (*плюс*) қўяди.

Айрим сайловчилар саломатлигининг яхши эмаслиги ёки бошқа сабабларга кўра овоз бериш биносига кела олмаган ҳолларда участка сайлов комиссияси уларнинг илтимосига кўра комиссиянинг камида икки аъзосига сайловчилар турган жойда овоз беришни ташкил этади.

Ундан аввалроқ, саломатлигининг яхши эмаслиги ёки бошқа сабабларга кўра овоз бериш биносига кела олмайдиган сайловчи томонидан келиб тушган мурожаат ўрганиб чиқилади ва СЯЭР электрон дастури орқали аниқлик киритилади.

Тўлдирилган бюллетенни овоз берувчи сайлов қутисига ташлайди.

# ОВОЗ БЕРИШНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА ТАВСИЯЛАР

(соат 6 дан соат 20 гача)

## Сайловчи:

сайлов бюллетени олгани ҳақида сайловчилар рўйхатидаги ўз фамилияси рўпарасига имзо чекади  
(бирон-бир сабаб билан сайловчилар рўйхатига киритилмай қолган сайловчилар шахсини ва яшаш жойини тасдиқлайдиган ҳужжат асосида сайловчилар рўйхати иловасига киритиладилар)

Овоз бериш махсус ажратилган биноларда ўтказилади, уларда яширин овоз бериш учун етарли миқдорда кабинаялар ёки хоналар жиҳозланиши, сайлов бюллетенлари бериш учун жойлар ажратилиши ҳамда сайлов қутилари ўрнатилиши керак

**Комиссия аъзоси:**  
Сайловчи участка сайлов комиссияси аъзосига Ўзбекистон Республикаси фуқаро паспортини кўрсатгач, комиссия аъзоси томонидан СЯЭР электрон дастуридан фойдаланган ҳолда, сайловчи у ёки бу сайлов участкасига тегишлилигини ҳамда ушбу сайлов участкасида рўйхатда бор ёки йўқлигини аниқлайди. (Ушбу вазифани амалга ошириш учун участка сайлов комиссиясида СЯЭР электрон дастури талабларига жавоб берувчи камда иккита компьютер бўлиши керак).

**Сайловчи:**  
комиссия аъзосига паспорт ёки бошқа гувоҳномасини кўрсатади


**Сайловчи**  
КИРИШ

1



2

**Участка сайлов комиссияси аъзолари**




3

Сайлов бюллетенлари яширин овоз бериш учун ажратилган кабина ёки хонада тўлдирилади, **сайловчи** сайлов бюллетенига, ўзи ёқлаб овоз бераётган номзоднинг фамилияси рўпарасида, ўнг томонда жойлашган бўш квадратга белги-крестик (плюс) қўяди

Бюллетенларни тўлдириш вақтида овоз берувчидан бошқа бирон-бир кишининг ҳозир бўлиши тақиқланади

Тўлдирилган бюллетенни овоз берувчи сайлов қутисига ташлайди

4



ЧИҚИШ

Бюллетенни мустақил равишда тўлдириш имконига эга бўлмаган сайловчи ўз хоҳишига кўра, сайлов комиссиясининг аъзоларидан, кузатувчилардан ва номзодларнинг ишончли вакилларида бошқа бирон кишини кабина ёки хонага таклиф қилишга ҳақли

## **VIII-боб. Якуний қоида**

Участка сайлов комиссияси ўз фаолиятини халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловининг якунлари чиқарилгандан сўнг тўхтатади.